

Ўзбекистон Республикаси номидан

Х У К М

2021 йил март ойининг 02 кунида жиноят ишлари бўйича Фурқат туман суди, Фурқат туман Мажбурий ижро бюроси биносида, очик сайёр суд мажлисида, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи О.Хасанов, К.Рўзикулованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Фурқат туман прокурори ўринбосари А.Мўминов, судланувчи И.Қосимов ва жабрланувчи Х.Ортикматоваларнинг иштирокида, Қосимов Иномжон Неъматовични айблаш ҳақидаги 1-1519-2101/16-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Қосимов Иномжон Неъматович (Qosimov Inomjon Ne'matovich), 1977 йил 01 майда Фурқат туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оиласидан ажрашган, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишламайди, Фурқат тумани, “Томоша” м.ф.й, Томаша қишлоғи, рақамсиз уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 28.01.2021 йил куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд иш бўйича тўпланган далилларни текшириб, атрофлича муҳокама қилиб, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувини эшитиб, прокурорнинг музокара, судланувчининг ҳимоя, музокара ва охириги сўзларини тинглаб, муҳокама қилиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи И.Қосимов фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 2017 йил 15 ноябрдаги суд буйруғига асосан ундирувчи Х.Артикматова фойдасига 07.11.2014 йилда туғилган Н.Неъматовнинг моддий таъминоти учун 13.11.2017 йилдан то фарзанди вояга етгунига қадар жами даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент тўлаши лозимлигини аниқ билгани ҳолда, 2019 йил март ойидан 2019 йил декабрь ойига қадар, жами 3.360.924 сўм алимент пулини тўлашдан бўйин товлаб келгани учун 2020 йил 23 январдаги Фурқат туман маъмурий суд судьясининг қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг



47⁴-моддаси 1-қисми билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, қарздорлиги икки ойдан ошса, жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида бир неча бор мажбурий ижро бўлимига чақиртирилиб, алимент пулларини ўз вақтида тўлаб бориши тушунтирилиб, қайта-қайта огоҳлантирилишига қарамасдан, 2020 йил январдан 2021 йил январь ойига қадар 12 ой давомида Республика бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг 1/4 қисми миқдорида, яъни ойига 610.766 сўмдан тўламаслиги натижасида, алимент қарздорлиги бўлган 7.329.192 сўм алимент пулни тўламасдан, вояга етмаган шахсни моддий таъминлашдан қасддан бўйин товлаб келгани аниқланди.

Судланувчи И.Қосимов судда, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, у 2013 йилда Х.Артикматова билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қургани ва турмушлари давомида 07.11.2014 йилда фарзанди Н.Неъматов туғилгани, у турмуш ўртоғи билан 2015 йилга қадар бирга яшаб, кейин ўзаро келишмовчилик натижасида ажрашиб кетгани, шундан сўнг Х.Артикматова фарзандининг моддий таъминоти учун судга бергани ва фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 2017 йил 15 ноябрдаги буйруғига асосан, ундан вояга етмаган фарзанди учун Х.Артикматовага ҳар қандай даромадининг 1/4 қисми миқдори алимент ундириш белгилангани, уни мажбурий ижро бюроси давлат ижрочиси томонидан бир неча мартаба алимент пулларни тўлашлик, агарда тўламаса маъмурий ва жиноий жавобгарлик мавжудлиги ҳақида оғзаки ва ёзма равишда расман огоҳлантиргани, шундан сўнг унга нисбатан давлат ижрочиси томонидан 2019 йил март ойидан 2019 йил декабрь кунига қадар, жами 3.360.924 сўм алимент пулини тўлашдан бўйин товлагани учун маъмурий материал тайёрланиб судга тақдим этилгани ва унга Фурқат туман маъмурий суди судьяси томонидан 2020 йил 23 январь кунги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддаси 1-қисми билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлангани, шундан кейин ҳам у бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмагани ва қарздорлиги икки ойдан ошса, жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида давлат ижрочиси томонидан чақиртирилиб, алимент пулларини ўз вақтида тўлаб бориши тушунтирилиб, қайта-қайта огоҳлантирилгани, бироқ алимент пулларини тўлашга имкони йўқлигини тушунтириб келгани, 2020 йил январдан 2021 йил январга қадар вояга етмаган фарзанди учун 12 ой давомида тўлаши лозим бўлган, жами 7.329.192 сўм алимент пулини тўлашга имкони бўлмагани, ҳозирга кунда у Фурқат туман 5-сонли мактабгача таълим муассасасида қоровул вазифасига ишга қабул қилингани, у иш ҳақини юз фоиз алимент қарзига йўналтиргани ва бу ҳақида тегишли тартибда бухгалтерия бўлимига ариза мурожаат қилгани, ҳозирда у содир этган жиноий қилмишидан чин кўнгидан пушаймонлигини, оилавий шароити оғирлигини айтиб, қонун доирасида енгиллик беришни сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Жабрланувчи Х.Артикматова судда, у 2013 йил ноябрь ойида Фурқат тумани, Томоша қишлоғида яшовчи И.Қосимовга турмушга чиққани ва



турмушлари давомида бир нафар фарзандли бўлгани, у турмуш ўртоғи И.Қосимов билан 2015 йилга қадар бирга яшагани, кейин ўзаро келишмовчилик натижасида ажрашиб кетгани, шундан кейин у бир нафар фарзандига алимент ундириш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судига ариза билан мурожаат қилгани ва суднинг 15.11.2017 йилдаги буйруғига асосан турмуш ўртоғи И.Қосимовдан унинг фойдасига бир нафар вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун фарзанди вояга етгунга қадар ҳар қандай даромадининг 1/4 қисми миқдори алимент ундириш белгилангани, турмуш ўртоғи И.Қосимов суд буйруғига асосан тўлаши лозим бўлган алимент пулини тўламасдан юргани, шу тариқа И.Қосимов алимент пулларини тўлашдан бўйин товлаб келгани, у бу ҳақида мажбурий ижро бюросининг Фурқат туман бўлими давлат ижрочисига бир неча маротаба мурожаат қилгани, лекин улар ҳам И.Қосимовдан алимент пулларидан қисман ундириб бергани, шундан сўнг И.Қосимовга нисбатан давлат ижрочиси томонидан 2017 йил январь ойидан 2019 йил 1 март кунига қадар, жами 6.992.073 сўм алимент пулини тўлашдан бўйин товлаб келгани учун маъмурий материал тайёрланиб судга тақдим этилгани ва Фурқат туман маъмурий суди судьяси томонидан 2020 йил 23 январь кунги қарорига асосан турмуш ўртоғига Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддаси 1-қисми билан 15 сутка маъмурий қamoқ жазоси тайинлангани, шундан кейин ҳам И.Қосимов бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмагани ва қарздорлиги икки ойдан ошса, жиноий жавобгарликка тортилишини билгани ҳолда 2020 йил январь ойидан 2021 йил январь ойига қадар тўлаши лозим бўлган жами, 7.329.192 сўм алимент пулини тўлашдан бўйин товлаб келаётгани сабабли ушбу пулларни судланувчи И.Қосимовдан ундириб беришни, ҳақиқатдан ҳам И.Қосимов ҳозирда мактабгача таълим муассасасида қоровул вазифасига ишга қабул қилингани, иш ҳақини юз фоиз алимент қарзига йўналтиргани ва бу ҳақида тегишли тартибда бухгалтерия бўлимига ариза мурожаат қилгани, шу сабабли судланувчи И.Қосимовга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмагани жазо тайинлашни сўраб кўрсатма берди.

Гувоҳ М.Давидов судда, у мажбурий ижро буюроси Фурқат туман бўлимида давлат ижрочиси вазифасида ишлашини, унинг хизмат вазифасига ҳуду бўйича бириктирилган маҳалла, қишлоқ ва кўчаларда яшовчи қарздорлардан, ҳуқуқбузар ва судланувчиларга нисбатан иш юритувидаги ижро ҳужжати бўйича мажбурий ижро ҳаракатларини олиб бориш кириши, унинг иш юритувига 2017 йил 15 ноябрь кунидан фуқаролик ишлари бўйича Фурқат туман судининг 23.01.2020 йилдаги қарорига асосан И.Қосимовдан унинг турмуш ўртоғи Х.Артикматова фойдасига бир нафар вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун фарзанди вояга етгунга қадар ҳар қандай даромадининг 1/4 қисми миқдори алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати келиб тушгани, у ижро ҳужжати билан танишганида И.Қосимов бир неча йиллардан буён вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаб келаётганини билиб, И.Қосимовни алимент тўловларини ихтиёрий тўлатиш мақсадида чақириб, алиментдан бўлган қарздорликни ўз вақтида



тўлаб бориш, акс ҳолда, яъни алимент пулларини 2 ойдан ортиқ вақт давомида тўлашдан бўйин товласа, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида бир неча маротаба расман огоҳлантиргани, лекин И.Қосимов вояга етмаган фарзандидан умуман хабар олмагани, моддий томондан ёрдам ҳам бермагани, суд қарорига асосан тўлаши лозим бўлган алимент пулидан арзимас қисмини тўлаб юргани, шу тариқа И.Қосимов алимент пулларини тўлашдан бўйин товлаб келгани, шундан сўнг у И.Қосимовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддаси бўйича моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаганни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламагани сабабли маъмурий материалларни тўплаб, 2019 йил март ойидан 2019 йил декабрь ойига қадар, жами 3.360.924 сўм алимент пулини тўлашдан бўйин товлаб келгани учун 2020 йил 23 январдаги Фурқат туман маъмурий суд судьясининг қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддаси 1-қисми билан 15 сутка маъмурий қamoқ жазоси тайинлангани, шундан кейин ҳам у И.Қосимов билан алимент пулларини ўз вақтида тўлаб бориш, агарда тўламаса жиноят тиши кўзғатилиши мумкинлиги ҳақида бир неча маротаба огоҳлантиргани, бироқ И.Қосимов бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмагани ва қарздорлиги икки ойдан ошса, жиноий жавобгарликка тортилиши билгани ҳолда алимент пулларини ўз вақтида тўламасдан келаётгани, И.Қосимов 2020 йил январь ойидан 2021 йил январь ойига қадар тўлаши лозим бўлган жами, 7.329.192 сўм алимент пулини тўлашдан бўйин товлаб келаётганини, у И.Қосимовни бюджет ташкилоти ҳисобланган Фурқат тумани 5-сонли Мактабгача таълим муассасасида қоровул бўлиб ишлаб келишидан хабари бўлмаганини ва бу ҳақида И.Қосимов ҳам унга маълум қилмаганини, бундан буён алимент қарзи ундиришда иш ҳақини инобатга олиб, иш ҳақидан ундириш чоралари кўрилишини билдирди.

Гувоҳ М.Сотволдиева судда, у Фурқат туман мактабгача таълим бўлимида ҳисобчиси вазифасида ишлашини, ҳақиқатдан ҳам у 2020 йилнинг октябрь ойида Фурқат тумани Томоша қишлоғида яшовчи И.Қосимовни Фурқат тумани 5-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотига қоровул вазифасига ишга қабул қилингани, И.Қосимовга октябрь ойидан ойлик иш ҳақи ҳисоблаб борилгани, яъни И.Қосимовга октябрь ойида 226.000 сўм, 2020 йил ноябрь ойи учун 598.458 сўм, 2020 йил декабрь ойи учун 679.330 сўм жами 1.504.231 сўм миқдорда ойлик маош тўлангани, И.Қосимов туман мактабгача таълим бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, иш ҳақини юз фоиз миқдорда суддаги жиноят иши бўйича ҳисобланган алимент қарзига йўналтиришни сўрагани ва бу бўйича у томонидан тегишли ишлар амалга оширилганини, шунингдек И.Қосимов томонидан Фурқат туман мактабгача таълим бўлимига алимент тўлаш юзасидан ҳеч ҳеч қандай ариза ёки хабар берилмагани сабабли унинг ойлик иш ҳақидан алимент тўловлари учун маблағлар ушлаб қолинмагани, уни ва бўлим раҳбариятининг И.Қосимовни



алимент тўловлари тўлашидан хабарлари бўлмагани, И.Қосимов бу ҳақида уларга хабар бермагани, шу сабабли И.Қосимовнинг ойлик маошидан ҳеч қандай тўловлар ушлаб қолинмаганини билдирди.

Судланувчи И.Қосимовнинг жиноий қилмиши унинг айбига тўлик иқрорлик билдириб берган суддаги кўрсатмасидан ташқари, жабрланувчи Н.Маматкулова, гувоҳ М.Давидов ва М.Сотволдиеваларнинг юқорида қайд қилинган суддаги кўрсатувлари, шунингдек, жиноят ишида мавжуд бўлган фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 2017 йил 15 ноябрь кунги қарздор И.Қосимовдан ундирувчи Х.Артикматова фойдасига бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун вояга етгунга қадар ҳар қандай топган даромадининг 1/4 қисми миқдоридан алимент ундирилиши ҳақидаги суд бўйруғи ва ушбу қарор ижросига доир ҳужжатлар, қарздорнинг мол-мулкни аниқлаш бўйича олиб борилган ёзишмалар, Фурқат туман маъмурий судининг 2020 йил 23 январь кунги қарори, алимент қарзини қайта ҳисоблаш қарори ва унга илова қилинган ҳужжатлар ва бошқа далиллар билан тасдиғини топди.

Судланувчи И.Қосимовнинг жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Чунки, судланувчи И.Қосимов 2019 йил март ойидан 2019 йил декабрь ойига қадар, жами 3.360.924 сўм алимент пулини тўлашдан бўйин товлаб келгани учун 2020 йил 23 январдаги Фурқат туман маъмурий суд судьясининг қарорига асосан маъмурий қamoқ жазоси тайинланган бўлса-да, 2020 йил январдан 2021 йил январь ойига қадар, жами 12 ой давомида Республика бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг 1/4 қисми миқдоридан, яъни ойига 610.766 сўмдан тўламаслиги натижасида, алимент қарздорлиги бўлган 7.329.192 сўм алимент пулини тўламасдан, вояга етмаган шахсни моддий таъминлашдан қасддан бўйин товлаб келгани аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” деб, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб тушинтириш берилган.

Суд, судланувчи И.Қосимовга жазо тури ва меъёрини тайинлашда, жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам судланмаганини, оилавий шароити оғирлигини, жиноят натижасида етказилган моддий зарар қопланмагани, жабрланувчининг зарарни ундириш ҳақидаги талабини, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганини, шунингдек И.Қосимов ижтимоий фойдали меҳнат



билан шуғилланиб келаётганини ва иш жойига эга эканини инобатга олиб, ЖКнинг махсус қисми моддаси санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни ва жабрланувчи Х.Артикматова фойдасига ушбу жиноят натижасида етказилган 7.329.192 сўм моддий зарарни ундиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473- моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Қосимов Иномжон Неъматович (Qosimov Inomjon Ne'matovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

И.Қосимовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг ўн фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони иш жойида ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати И.Қосимов жазо ўташни бошлаган кундан ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Фурқат туман ИИО Пробация гуруҳи инспекцияси зиммасига юклатилсин.

И.Қосимовга нисбатан қўлланган муносиб ҳуққ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳуққ қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Туман прокурорининг даъвоси қаноатлантирилсин ва И.Қосимовдан фуқаровий даъвогар Х.Артикматова фойдасига 7.329.192 (етти миллион уч юз йигирма тўққиз минг бир юз тўқсон икки) сўм моддий зарар ундирилсин.

Ҳуққдан норози тарафлар ҳуққ эълон қилинган, судланувчи ва жабрланувчи ҳуққ нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи; имзо

Ҳуққ нусхаси аслига тўғри

Жиноят ишлари бўйича

Фурқат туман судининг раиси

О.Хасанов

